

Xabar

47
(948)-son
19-noyabr
www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

“East Telecom” –

АКТ соҳасида ютуқлар гарови



ДАВРА СУХБАТИ

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида “Ўзбекистон Республикасида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Ҳозирги ҳолат, муаммо ва уни ҳал этиш йўллари” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон алоқа корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, “UZINFOCOM” маркази, “UNICON.UZ” ДУКдан вакиллар иштирок этиши.

Йиғилишда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги умумий аҳоли, уни ривожлантиришга нима-лар ҳалақит бераётганлиги, ички эҳтиёжни тўла қондириш мумкинми, бу борадаги қонунчилик талаблари каби масалалар юзасидан атрофича фикр юритилди. “ITECO TASHKENT”, “TOP.UZ”, “Mirada Software”, “SenSoft” сингари компаниялар вакиллари кун тартибидagi масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириши. “Intelligent Solution” компанияси мутахассислари эса Сергели туманида ишга туширилган Ягона Ойна маркази ҳамда Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари учун ишлаб чиққан дастурлари хусусида гапиришиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши.

Давра суҳбатида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асалжон Хўжаев иштирок этди.

Ҳукуматимиз томонидан берилётган катта эътибор натижасида бугунги кунда мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадаллик билан ривожланиб, иктисодиётимизга салмоқли хисса кўшиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон АКТ бозорида самарали фаолият олиб бораётган кўшма корхоналар, хориж компаниялари ҳам алоҳида ўринга эга. Шулардан бири масъулияти чекланган жамият шаклидаги “East Telecom” компаниясидир.

5-бет



Сўнги янгилик!

Хитойнинг “Тянхэ-1А” (Tianhe-1A) тизими жаҳоннинг энг тез ишловчи 500 компютери рўйхатида биринчи ўринга кўтарилди. Суперкомпютер 2,57 петафлопс, яъни бир сонияда 2,57 квадриллион амалиёт бажара олади.

“Топ-500”дан Американинг 274, Европанинг 125 компютери, шунингдек, Осиё мамлакатларининг 84та ҳисоблаш машинаси ўрин олган. Иккинчи ва учинчи ўринларни собиқ етакчилар - Cray Jaguar XT5 (1,76 петафлопс/сония) ва IBM RoadRunner суперкомпютерлари банд этган.

Ушбу сонда:

- Дахлдорлик туйғуси 2
- “Алоқабанк”да интернет-банкнинг хизмати 3
- Второе заседание экспертного совета 6
- Электроцикллар хизматда 11
- Мутолаа лаззати 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 ноябр куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг тараққиёт бўйича комиссари Андрис Писебалге раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тошкентда 12 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида маъруза қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Жиззах шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ва ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ролига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши томонидан ўтказилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимлари куни муносабати билан байрам тadbiri ўтказилди. Унда “Энг намунали ҚВП”, “Энг намунали оилавий поликлиника”, “Энг яхши умумий амалиёт шифокори”, “Энг яхши патронаж ҳамшираси” номинациялари бўйича республика кўрик-танлови голиблари номи эълон қилинди.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспо-марказ” мажмуида Баркамол авлод йилига бағишланган III халқаро кўرғазма-ярмарка ўтказилди. Мазкур тadbир Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хитойнинг қадимий Гуанчжоу шаҳрида дунёдаги энг катта савдо кўрғазма-ярмаркаларидан бири бўлиб ўтди. Кантон ярмаркаси деб номланган мазкур тadbирда 210 мамлакатдан 200 мингдан ортиқ ишлаб чиқарувчи тadbirkor ва савдогарлар қатнашди. Ярмаркада 400 нафардан иборат ўзбекистонлик тadbirkor ва ишбилармон ҳам иштирок этди.

Мустақил юртимиз ривожланишининг ўзига хос ва мос йўлини танлаган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузасини тинглаб, яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.



Дахлдорлик туйғуси

Дарҳақиқат, халқаро майдонда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодийнинг мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойиллари “ўзбек модели” деб тан олинди. Мана шу тараққиёт йўли пухта ва оқилона эканлигини глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида қарамасдан юртимизда барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани яна бир қарра исботлади. Иқтисодий бўҳрондан муваффақиятли ўтиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бунда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда Юртбошимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида белгилаб берилган вазибаларнинг ижроси катта аҳамиятга эга бўлди.

Қўшма мажлисида Юртбошимиз демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг қуйидаги энг муҳим олтита устувор йўналишларини белгилаб берди: **биринчиси** — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, **иккинчиси** — суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, **учинчиси** — ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, **тўртинчиси** — Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, **бешинчиси** — фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, **олтинчиси** — демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча жаҳонда кенг қўламли ислохотлар олиб борилдики, бугунги кунда уларнинг натижаси яққол кўзга ташланмоқда. Биргина алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини мисол сифатида олиб

қўрайлик. Тўқсончи йилларда республикамиз аҳолисига аналогли ва декадали автомат телефон станциялари хизмат кўрсатар, ундан ҳар бир хонадонга телефон тушириш ҳам муаммо эди. Изчил равишда ушбу тизимга янги техника ва технологияларни жорий қилиш, уларга техник хизмат кўрсата оладиган кадрларни тайёрлаш қутилган самараларни берди. Мамлакат миқёсида оптик толали кабелларнинг тортилиши, рақамли АТСларнинг ишга туширилиши алоқа хизматини тубдан юксак даражага кўтарди. Эндиликда энг чекка қишлоқдан туриб ҳам дунёнинг исталган мамлакатини билан боғланиш, ўзаро ҳужжат алмашиш имконияти пайдо бўлди. Мобил алоқа хизмати шиддат билан ривожландики, ҳозирда юртимизда уяли телефон кириб борман хонадон қолмади. Интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сўзимизнинг исботи сифатида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида халқаро ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони 6,626 млн. тани ташкил қилганини айтиш мумкин. Республика аҳолисида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич талабалари иштирокида жойларда амалий машғулотлар олиб борилди. Компютер саводхонлиги ўқув курсларида жами 15 мингдан ортиқ киши ўқитилди. Ёки бўлмаса, рақамли телевидениеге босқичма-босқич ўтишга киришилгани ҳам бу соҳанинг жадал ривожланиб бораётганидан далолатдир. Биргина Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида 25та теледастур рақамли телеузаткичлар орқали тарқатилмоқда, унда тасвирларнинг ўта сифатли узатилиши аҳолининг рақамли телевидениеге қизиқишини тобора оширяпти.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу борадаги ютуқларни алоҳида таъкидлаб, келгусида қилиниши зарур бўлган вазибаларга ҳам тўхтади: “Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тар-

моғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланадиган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда...

...Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тadbирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор”.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, божхона, солиқ ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тизимларига жорий қилиниши эса ишда сифат ва унум бўлишига, юксак самарадорликка эришишга туртки берапти.

Келгуси йили Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган вақт мобайнида Президентимиз таъкидлаганидек, ҳамюртларимизнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошди, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-осудалик ҳукмрон, ҳар қадамда улкан бунёдкорлик ишлари авж олган. Одамларимизнинг кайфияти юқори, яратишга, озод ҳамда обод юртимизни янада яшнатишга иштиёқи баланд.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ



Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

“Матбуот таркатувчи” акциядорлик компанияси аҳолига матбуот нашрларини ўз вақтида, сифатли етказиш орқали кишилар онги ва дунёқарашининг бойишига хизмат қилаётган корхоналардан бири. Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган фидойи инсонлар кўп. Компания раҳбарияти ўзларида меҳнат қилувчи ходимлар малакасини ошириш мақсадида катор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири “Энг мохир сараловчи-экспедитор” кўрик-танловидир.

Сараловчилар сараланди



Танлов голиблари устозлари Бахтиёр Магдиев (чапдан иккинчи) билан

Компанияда меҳнат шартномаси асосида фаолият юритаётган сараловчи-экспедиторларнинг ўз фаолиятига бўлган қизиқишини кучайтириш, топширилган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажариш, киоск сотувчилари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришда амалий ёрдам кўрсатишлари даражасини ошириш, савдо пуллариини йиғиш ва газнага топширишда белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ҳамда компаниянинг жамоатчилик ишларида фаолигини оширишни мақсад қилиб ташкил этилган ушбу кўрик-танловда бу йил ўн уч нафар сараловчи-экспедитор иштирок этди. Танлов қатнашчилари уч босқич давомида сараландилар. Яъни, ташкилий кўмига аъзолари биринчи босқичда сараловчи-экспедиторлар билан оғзаки савол-жавоблар орқали уларнинг лавозим йўриқномаси, компания ички меҳнат тартиб-қоидалари ва фаолияти учун зарур бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларни қай даражада билишларини аниқлаган бўлсалар, иккинчи босқичда уларнинг хизмат фаолиятига доир барча норматив ҳужжат-

ларга риоя этишлари, охириги ўн икки ой давомида меҳнат интизоми ёки ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлиги учун интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилганлиги ёки қўлланилмаганлиги, улар фаолияти юзасидан шикоятларнинг мавжуд эмасли-

гига эътибор бердилар. Учинчи, яъни вақтли нашрларни киосклар бўйича саралаш босқичида ҳар бир сараловчи-экспедиторнинг кундалик саралаш варақаси асосида 10 турдаги газеталарни 15та киоск бўйича саралаб ва ўрамлаб, сўнгра машинага ортиш-

лари кузатишди. Бу ишлар учун эса 15 дақиқа вақт белгиланди. Экспедитор-сараловчилар шу тариқа сараландилар ва голиблар аниқланди.

Яқинда “Матбуот таркатувчи” АКда танлов голибларини мукофотлашга бағишланган тантанали йиғилиш

ларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари 7-сессиясида тасдиқланган. Кўрик-танловимизнинг ушбу кунга бағишлаб ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўйиш шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг биринчи галдаги вазифасидир.

Шундан сўнг С.Нажбидинов кўрик-танловнинг ўтказилиши сабабларига алоҳида тўхталди.

— Сараловчи-экспедиторлар зиммасига вақтли матбуот нашрларини киоскларга тез ва сифатли етказиб бериш вазифаси юклатилган, — деди у. — Айниқса, газета айрим сабабларга кўра кечроқ босилган пайтда улардан ўша тезкорлик билан ишлаш талаб этилади. Мақсадимиз кўрик-танлов орқали улар маҳоратини янада ошириш эди. Танлов давомида биз ўз мақсадимизга эришдик, деб ўйлайман.

Шундан сўнг голиблар номи эълон қилинди. Танловда энг юқори натижаларга эришган сараловчи-экспедитор Сергей Зубрев биринчи, Абдужалил Алимов иккинчи ва Садриддин Зухуров учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Уларга компания дипломлари ва пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, танловнинг қолган иштирокчиларига ҳам фаол қатнашчилар сифатида пул мукофотлари берилди.

Муборак МИРКАМолова

Ахборот технологиялари асосида янги банк хизматларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш “Алоқабанк” фаолиятидаги устувор йўналиш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришда интернет-банкнинг муҳим босқич бўлиб, бу – банк амалиётда алоқанинг янги воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ушбу янгилик мижозлар учун бирмунча қулайликларни яратди.

“Алоқабанк” да интернет-банкнинг хизмати

Бугун кредит ташкилотлари аҳоли ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб бошқаришига тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда республикамизда интернет-банкнинг хизматини бирин-кетин янада дадилроқ тақдим эта бошладилар. Мазкур хизмат тури – ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб интернет орқали бошқариш “Алоқабанк” тизимида бундан бир неча йил олдин корпоратив мижозлар учун сервис сифатида тақдим этилган эди. Хизматни жисмоний шахсларга ташкил этиш банкнинг навбатдаги муваффақиятли қадами бўлди.

Шуни айтиш керакки, эндиликда пул тўловларини тақдим этиш учун банк ёки шу каби бошқа идораларга ҳар кунги ташриф буюришга ҳожат қолмайди, бу – мижозларга ўз вақти ва маблағларини тежаш имкониятини яратди. Мижоз бундан кейин ташкил этилган ушбу янги имконият воситасида муайян вақт мобайнида ўз уйида ёки ишхонасида автоматлаштирилган иш жойидан тўлов ҳужжатларининг банкдаги барча ҳаракат босқичларини бемалол кузата олиши мумкин.

Мижоз интернет-банкнинг технологияси билан бекамукўст ишлаши учун интернетга уланган компьютер ва Microsoft Internet Explorer браузерининг ўзи кифоядир.

“Интернет-банкнинг хизмати” тақдимида бағишланган тадбирда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликларининг раҳбарлари, аҳолига турли-туман маънавий хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотларнинг вакиллари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи фирма ва компанияларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар “Интернет-банкнинг” хизматининг жорий этилиши аҳолига коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қатъи қулайликлар яратиши, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларининг ҳам дебиторлик қарзларини камайишига ёрдам беришини таъкидладилар.

Мунозара тарзида бўлиб ўтган ушбу тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Китоб тафти

Мамлакатимиз аҳолисининг яримидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг тарбияси, савияси, камолоти уларнинг маънавияти, қандай китобларни ўқиётганига боғлиқ. Улуг бобоқолларимиз ҳам илм излаб дунёни кезишган. Момоларимиз китобхонлик, газалхонлик кечаларини ташкил этиб, бундай тадбирларни маънавий, анъанавий маросимларга айлантиришган. Узоқдан келган кексалар ўша тадбир ўтказилган хоналарнинг азиз меҳмони бўлганлар.

Бугунги ёшлар асосан интернет тармоғидан фойдаланишмоқда. Бу замон билан ҳамнафас бўлиш дегани. Қолаверса, электрон дарслиklar, адабиётлардан фойдаланиш имкони бугун қатъи қулай. Илгари битта китобни ўқиш учун узоқ мамлакатларга боришган. Ҳозир исталган шаҳарда бундай имкониятни қўлга киритиш мумкин. Ёшларнинг билимдон, маънавий жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Китоб ўқиш одамда саводхонлик, нуқтадонлик жиҳатлари ҳам яхши шаклланади. Икки киши ўртасида бемалол ўз фикрини билдира олади.

Ҳозирда кутубхонамизда беш мингдан ортиқ турли мавзудаги китоблар бор. Асосий китобхонларимиз муддатли хизмат вазифасини ўтаётган аскарлар, ҳарбий хизматчилар ва мактаб ўқувчиларидир. Уларнинг китобдан фойдаланишлари учун барча шароитлар муҳайё. Кенг, ёруғ ва озода ўқув хонаси ҳамisha китобхонлар билан гавжум. Замон, давр қанчалик илгарилаб кетмасин, барибир китобнинг ўрни бошқача.

Китобхонлар асосан дарслиklar, сиёсий адабиётлар, тарихий бадиий ва саргузашт асарларни кўп сўрашди, мутлолаа этишди.

Китобнинг майин илиқ ва силлиқ варақларини варақлаганда юрагингизга бир илиқлик қиради. Бундай тафтни бошқа ҳеч нарсадан тополмайсиз.

Дилфуза ЖАКБАРОВА,
Шарқий ҳарбий округнинг Фарғона
гарнизони офицерлар уйи кутубхоначиси



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан
кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 41-модда

Xalqaro haqot



АҚШ АФҒОНИСТОНДАН ЧИҚИБ КЕТАДИ

АҚШ 2014 йилга бориб Афғонистонни тўлиқ тарк этади.

АҚШ ҳукумати 2010-2012 йилларда афғон музофотлари назоратини босқичма-босқич Афғонистон миллий қуролли кучларига топшириш режаси устида иш олиб бормоқда. АҚШ ҳарбий кучлари эса 2014 йилда мамлакатдан бутунлай чиқиб кетади. Ушбу концепция америкалик қўшинларнинг Ироқдан чиқиб кетиш режасини такрорлайди. Жорий йилда Ироқдан ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисми олиб чиқилган.

ВВС хабар беришича, Афғонистон президенти Ҳамид Карзай афғонларнинг рисоладагидек ҳаёт кечиришига ҳалал бераётган ҳарбий амалиётлар сонини зудлик билан қисқартириш кераклигини маълум қилган. Унинг фикрича, америкаликлар тунги рейдларни тўхтатиши шарт, чунки бу рейдлар аҳолига нисбатан зулмни кучайтирапти, оқибатда эса афғонлар толибонларга ёрдам беришга мажбур бўляпти.

Сўнгги йилда Афғонистонда коалиция кучларининг 640 аскарлари ҳалок бўлган, уларнинг 400 нафари америкалик аскарлардир. Қўшин киритилган 2001 йилдан буён АҚШ бу мамлакатда 2170 нафар ҳарбий хизматчисидан жудо бўлган.

РОССИЯ ВЕРТОЛЁТЛАРИ ИРОҚКА

Россия Ироққа вертолётлар партиясини жўнатди.

Ироқ умумий суммаси 156 млн. долларга тенг бўлган саккизта вертолётдан охириги иккитасини қабул қилиб олди. Хабар беришларича, ушбу вертолётлардан турли мақсадларда, жумладан, терроризмга қарши курашда, ҳаво орқали юк ташишда ва разведкада фойдаланилади.

ҚАРОҚЧИЛАР ТАЛАБИ КАТЪИЙ

Сомалилик қароқчилар қўлида тутқунликда турган грузин денгизчиларининг қариндошлари ва яқинлари Батумида Ажария Олий Кенгаши олдида норозилик акциясини ўтказмоқчи.

Қароқчилар агар икки кундан кейин талаб қилинган пулни олишмаса, тутқундагилар отиб ташланишини ва кема чўктириб юборилишини айтиб ультиматум қўйиши. Шу боис денгизчилар қариндошлари тутқундагиларни озод қилишда ҳукуматдан ёрдам талаб қилишмоқда.

Малта байроғи остидаги "Атланта" савдо кемаси бортида 15 нафар Грузия ва уч нафар Туркия фуқароси билан 8 сентябрда сомалилик қароқчилар томонидан Адан кўрфазининг шарқий қисмида қўлга олинган эди. Грузия ташқи ишлар вазирлиги маълум қилишича, ҳукумат гаровдагиларни озод қилиш юзасидан музокараларда иштирок этмаяпти, улар билан алоқа ўрнатишни асосан кемага эгалик қиладиган компания қўллаб-қувватламоқда. Фақат қароқчилар билан гаровдагилар эвазига бериладиган сумма бўйича бир тўхтамга келиш қўйин бўляпти. Қароқчилар тутқундагиларни қайтариш учун 15 миллион доллар талаб қилмоқда.

ТУРК ФУҚАРОСИ ЎҒИРЛАНДИ

Москвада Туркия фуқароси ўғирлаб кетилган. Чоршанба кuni милиционерлар хусусий қўриқлаш ташкилотининг тўрт хизматчисини Москва марказида Туркия фуқаросини ўғирлаб кетганида айблаб қўлга олган. Бу ҳақда Москва ҳукуқни ҳимоя қилиш органи вакили хабар берган.

Тезкор тадбир натижасида милиция ходимлари ўғирланган шахсни озод қилган. Гумондорлар қўлга олинди, уларга нисбатан жиноий иш очилган.

Интернет материаллари асосида
У. ЙУЛДОШЕВ тайёради

ТЕЛЕКОММУНИКАТСИЯЛАР

→ АЛОҚА ОЛАМИДА

100 гбит/сония тезликдаги тармоқ

АҚШнинг Индиана штати университети тўрт илмий ҳамкори билан биргаликда Германиянинг Дрезден ва Фрайбург шаҳарларини боғловчи WAN-тармоғини ишга туширди. Тармоқ назарий жиҳатдан 100 Гбит/сониягача тезликда маълумотни узатишни таъминлаши кутиляпти.

Лойиҳа раҳбари Стивен Симмс тест-амалиёт синовларида 21,9 Гбит/сония тезликка эришилганини таъкидлаган. Симмсининг айтишича, янги тармоқ орқали бир дақиқада 285та DVD-дискка жойлашадиган маълумотни узатса бўлади.

Япония LTE-тармоқни ишга туширади

Япониянинг энг йирик мобил алоқа оператори — NTT DoCoMo жорий йил 24 декабрдан мамлакат бўйлаб LTE стандартидаги миллий тармоқни ишга туширмоқчи.

Токио, Осака ва Нагоя сингари йирик шаҳарларда тармоқ тўлиқ ишга шай қилиб қўйилган. Компаниянинг маълум қилишича, шу пайтгача LTE технологияси учун 35 миллиард иена ёки 450 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя ўзлаштирилди, яқин икки йил ичида яна 270 миллиард иена сарфлаш кўзда тутиляпти.



QURILMALAR

Шимолий Корея телефон аппаратлари чиқармоқда

Шимолий Корея оммавий равишда мобил телефонлар ишлаб чиқаришни бошлади. Мамлакат ҳукумати бу ҳолатни мазкур аппаратларга талабнинг кескин ошиб кетиши билан изоҳлаган. Ogascom Telecom операторининг маълумоти беришича, жорий йилда мамлакатдаги абонентлар сони тўрт ҳиссага ошиб, 300 минг кишини ташкил этган.

КХДРга мобил алоқа 2002 йили кириб келганди. Орадан икки йил ўтиб тақиқланди, бир неча йил ўтгач эса қисман руҳсат этилди. Мобил телефондан руҳсатсиз фойдаланишга қарши қонун ҳамон кучини йўқотгани йўқ, ҳатто баъзи ҳолатларда ўлим жазоси ҳам қўлланилади.

BIZNES

Panasonic смартфонлар бозорига

2011 йил бошларида Panasonic компанияси ўзининг биринчи Android-смартфонини чиқармоқчи. Бу қурилма Японияда кенг омалашган iPhone 4 ва Samsung Galaxy S смартфонларига муносиб рақиб сифатида кўриляпти. 2012 йилдан эса халқаро бозорга чиқиб режалаштирилган.

Тахминларга кўра, 2015 йилга бориб Panasonic жаҳон "ақлли телефонлар" бозорига 15 миллионга аппарат етказиб бериш ниятида.

MADANIYAT

Электрон бестселлерлар

АҚШда чоп этиладиган машҳур "Нью-Йорк таймс" газетаси келгуси йилдан электрон шаклдаги бадий ва бошқа турдаги бестселлерлар рўйхатини чоп этмоқчи.

Газета мутахассиси Женет Элдернинг айтишича, таҳририят электрон китоблар савдо-сини кузатиб бориш тизимини яратишга икки йил сарфлаган. "Электрон китоблар пайдо бўлганидан бери доимий диққат-эътиборимизда турибди, — дейди Элдер. — Таъкидлаш керакки, улар босма нашрлардан бозорнинг салмоқли улушини тўртиб олишга улгурди".

Америка ноширлари ассоциациясининг маълумоти беришича, жорий йил дастлабки ўн ойида АҚШ электрон китоблар бозори ҳажми 304,6 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган йилгидан 190 фоизга кўпдир.

MOBIL ALOQA

Роуминг бекор қилинади

Жанубий Европадаги икки қўшни давлат — Испания ва Португалия малакатлар ўртасидаги роумингни бекор қилишга ҳозирлик кўряпти. Ташаббусни Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлади.

Агар мазкур келишувга эришилса, биринчидан, доимий равишда бу мамлакатлараро қатновчи 3,5 миллион фойдаланувчига қулайлик яратилади. Иккинчидан, мобил трафикнинг ошишидан операторларга ҳам муайян фойда келиб тушиши шубҳасиз.

Роумингнинг бекор қилиниши мамлакатлар ўртасидаги коммуникацияларнинг ривожланиши томон дадил қадам бўлиши кутилмоқда.

INTERNET

Осиё етакчи

Pingdom мониторинг компанияси интернетга уланиш тезлиги энг юқори 50 мамлакатни аниқлади.

Жанубий Корея (интернетга уланиш тезлиги ўртача 16,6 мегабит/сония), Гонконг (8,6) ва Япония (8) бу рўйхатни бошқаряпти. Таъкидлаш ўринлики, Корея ҳукумати 2012 йилгача аҳолисини гигабитлик канал билан таъминлашни ҳам режалаштирган.

Европа мамлакатлари — Руминия, Нидерландия, Швеция, Чехия, Белгия, Дания ва Швейцарияда интернет тезлиги юқорилиги таъминланган (ўртача 6,36-5 мегабит/сония).

АҚШ рўйхатда 4,6 мегабит/сония тезлик билан 12-ўринни, Россия эса 2,6 мегабит/сония тезлик билан 27-погонани банд этган.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

“East Telecom” қўшма корхонаси республикамиздаги йирик алоқа операторларидан бири. Компания 2003 йил сентябр ойида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган. Фаолиятнинг дастлабки йилларида компанияга “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, “EASTWELL S.A. Ltd” (Буюк Британия) ва “ELIKS KABEL” (Россия) компаниялари таъсисчилик қилишган.

“East Telecom” – АКТ соҳасида ютуқлар гарови

Рақамли телефон хизматлари, интеллектуал алоқа тармоқлари, шунингдек, маълумотлар узатиш хизмати, рақамли алоқа каналларини ижарага бериш, виртуал хусусий тармоқларни ташкил этиш ва интернетга тезкор уланиш каби хизматларни ўз ичига оладиган замонавий комплекс телемулоқот хизматларни таклиф этиш компаниянинг асосий мақсади ҳисобланади. Эндиликда компания мижозларга биргина оператордан бир бутун бўлган барча хизматларни таклиф этади, аммо бу илгарилари алоқа хизматлари воситачилари билан шартномага эга бўлишни талаб қилган. “East Telecom” МЧЖнинг замонавий рақамли тармоқларидан фойдаланган ҳолда мижознинг барча талаб ва иш юритишининг ўзига хосликларини ҳисобга олиб унга алоқа хизматларининг зарурийларини таклиф этади.

Янги манба ва хизматларни тезкор амалга ошириш, уларнинг ўсиши ва тез ёйилишини таъминлаш, мижоз қизиқишлари доирасида янги дастурларни амалга ошириш компаниянинг тез ривожланиш стратегияси ҳисобланади.

Компания хизматлари

“East Telecom” мижозларга оптик толали ва мис алоқа кабеллари асосида ўзининг магистрал ва тақсимловчи тармоқларида алоқа хизматларини таклиф этади. Жумладан, Тошкент шаҳрида оптик толали халқа асосидаги магистрал тармоқ, республикамизнинг барча вилоятлари марказларини ўз ичига оладиган оптик толали алоқа линияси ва рақамли каналлар базасидаги республика магистрал тармоғи, вилоят, туман марказлари ва шаҳарларни ўз ичига оладиган рақамли алоқа каналлари асосидаги вилоят-туман магистрал тармоғи каби хизматлардир.

Қурилиш ва инвестициявий компаниялар билан мустақкам муносабатга эга бўлган “East Telecom” Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа аҳоли масканларида алоқа хизматларини янгидан қуриш ҳамда қайта таъмирлаш ишларини пудратчи сифатида амалга оширади.

Шунингдек, компания мижозларга қуйидаги телекоммуникация хизматларини таклиф қилади:

- юқори сифатли маҳаллий, шаҳарлараро ва давлатлараро телефон алоқаси;
- халқаро ва шаҳарлараро алоқага очиқ чиқиш;
- уй ёки офисни тез ва унумли телефонлаштириш;
- телефониянинг бошқа қўшимча хизматлари (кўнғироқларни йўналтириш, овозли почта, конференцалоқа ва бошқалар)га чиқиш.

Демак:

Видеотелефония, бу — бизнесингиз учун кенг истиқболларни яратаяди. Энди сиз хизмат сафарларингизни видеомаукараларга алмаштириб, ишингиз самардорлигини оширган ҳолда, қарорларни тез қабул қилишингиз мумкин.

Видеоконференцалоқа — ушбу хизмат бир вақтнинг ўзида бир неча абонентлар билан гаплашишга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, сиз уларни нафақат эшитасиз, балки уларни кўриб, реакцияларини кузата olasiz. Видеоконференцалоқа видеотелефон ёки видеотерминал ускуналари ёрдамида бўлиши мумкин.

Хусусий виртуал тармоқлари — майдон нуқтаи назаридан сочилган майда маҳаллий тармоқлар ва мижозларни корпоратив тармоққа бирлаштирадиган хизматдир. ХВТдан фойдаланиш мижозларга корпоратив инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлашга бўлган харажатларни камайтириш имконини беради.

Каналлар ижараси — олинган лицензияларга мувофиқ, компания юқори тезликдаги рақамли каналлар ижарасини таклиф қилади. Бу мижозлар ўртасида ҳар қандай маълумотларни алмашишга ёрдам беради. Компания DWDM ва SDH ускуналарига эга бўлиб, бу ҳамма йўналишларни рақамли потокларга йўналтиришга олиб келади.

Рақамли телевидение (IPTV) — бу IP тармоқлари орқали рақамли телевидение. Унинг бошқа провайдерлардан фарқи томони шундаки, каналлар оптик толали кабеллар ёрдамида ўтиши натижасида сигналнинг юқори сифати таъминланади. Ҳозирги кунда “East Telecom” IPTV орқали 30 хилдан ортиқ маҳаллий, Россия ва чет эл каналларини трансляция қилади.

Хорижий таъсисчилар хақида

“Korea Telecom” корпорацияси (Korea Telecom Corporation) — Корея аҳолисига универсал ва юқори сифатли телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш мақсадида Алоқа вазири (ҳозирги кунда Корея коммуникация комиссияси)дан 1981 йилда ажралган ҳолда ташкил қилинган эди. Фаолиятини 4,5 миллион телефон рақамидан бошлаган компания 12 йил мобайнида мижозларини 20 миллион абонентгача кенгайтирди. Корпорация мақсад ва вазифаларига Кореяда ахборот технологияларини турли услубларда ривожлантириш ва Осиёда биринчи илгор интернет тармоғини йўлга қўйиш, йўлдош-коммуникация тармоғини ташкил қилиш ва биринчи корейс телекоммуникациявий сунъий йўлдоши — Koresat I нинг учирлиши қиради.

“Sumitomo” корпорацияси (Sumitomo Corporation) — Япония савдо саноатининг қадимий тизимларидан бири ҳисобланган мазкур корпорацияга 1919 йилда асос солинган. Корпорация иқтисодийнинг кўпгина соҳаларида фаолият олиб боради, шу қаторда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам. “Sumitomo Corporation”нинг йиллик оладиган фойдаси 22 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

“Sumitomo Corporation” ахборот-

ларни қидириш хизматларини тақдим этади, ҳамкорлар билан биргаликда бозор иқтисодиётининг янги соҳасига кириб бориш, халқаро иқтисодий ҳаморликни амалга ошириш, технология бўйича савдо-сотик ишларини кенг йўлга қўйиш, товарлар айланиши тизимини ташкил этишни амалга оширади.

Информатика, телекоммуникация ва хизматлар каби тез суръатлар билан ривожланаётган ишлаб чиқаришга доир бизнес лойиҳалар корпорациянинг фаол инвестициявий манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда “Sumitomo Corporation” анъанавий амалиётларни кенгайтириш ва янги амалий имкониятларни ривожлантириш мақсадида маблағ билан таъминлаш, логистика ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланмоқда.

“East Telecom” билан омад сари

“East Telecom” омадингиз гарови — замонавий телемулоқот хизматларида мижозларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш ва улар талабларини илҳом борица қондириш унинг устувор йўналишларидан биридир.

Ҳозирда “East Telecom” — фақатгина мижозлар талабларига мослашган компаниядир. Компания ўз муваффақиятини мижозларнинг истақларини қондириш билан боғлайди.

Технологик устунлиқни таъминлаш ва пешқадамликни мустақкамлаш учун доимий равишда мавжуд манбаларни янгилаб бориши натижасида телемулоқот хизматлари янада ривожланиб, сифатли ва яқиний фойдаланувчи учун қулай бўлиб бормоқда.

Компания турли тоифадаги мижозлар учун интеграл хизматларни таъминлаш борасида махсус ечимга эга. Давлат муассасалари, банклар, меҳмонхоналар, бизнес марказлар ва йирик ташкилотлар доимий мижозлари ҳисобланади.

Мижоз талабига биноан бу ерда тайёр телемулоқот қарорлари ишлаб чиқарилади, тизим интегратори сифатида мижознинг кейинги талаблари амалга оширилади. Хизматлар сифатлилиги доимий мониторинг орқали назорат қилиб турилади.

Хулоса

“Турли қийинчиликларга қарамай, биз мижозларимизга тўлиқ равишда телемулоқот таклифларини амалга оширишга тайёрмиз!” шиори остида иш олиб бораётган “East Telecom” компанияси ҳозирда амалий лойиҳаларини ўзининг техник ва интеллектуал имкониятларида амалга оширган тарзда тезкор ривожланиб бормоқда. Зеро, компания бош мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоқа хизматларининг турли сегментларида етакчи ўринларни эгаллашдир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
“Xabar” мухбири

Компания мақсади

Мамлакатимиз АКТ бозоридаги фаолияти давомида компания республикамизнинг турли бурчакларидан абонентларни улаб бера оладиган кенг тармоқ яратя олди. Аини дамида у телефония, интернет, видеотелефония, видеоконференцалоқа, IPTV хизматларини таклиф этади ва хусусий виртуал тармоқларнинг тармоқ моделлини иккинчи ва учинчи даражаларда яратаяди. Компания мутахассислари ўз мижозлари учун юқори сифатли телекоммуникация хизматларини қисқа вақтда тақдим қиладилар.

Второе заседание Экспертного совета

17 ноября 2010 года в УзАСИ состоялось заседание Экспертного совета в области технического регулирования сферы связи и информатизации.

Создание Экспертного совета регламентировано статьей 12 закона Республики Узбекистан «О техническом регулировании» для разработки общих и специальных технических регламентов, изменений и дополнений в технические регламенты, а также предложений по отмене указанных регламентов.

План работы Экспертного совета утвержден на 2010 – 2011 годы с учетом Программы разработки технических регламентов на 2010 – 2013 гг., утвержденной Постановлением Кабинета Министров «О мерах по дальнейшей реализации Закона Республики Узбекистан «О техническом регулировании» от 10.05.2010г. В соответствии с повесткой дня на заседа-

нии обсуждались такие актуальные вопросы, как вопрос о подготовке к разработке специального технического регламента «Требования к инфраструктуре открытых ключей», о разработке общего технического регламента «Об электромагнитной совместимости», о подготовке к разработке общего технического регламента «Требования к оборудованию телекоммуникаций», результатах промежуточного отчета научно-исследовательской работы «Сравнительно-правовой анализ основных целей и принципов технического регулирования».

В рамках, представленных на заседании, докладов приведены: мировой опыт по разработке конкретных



технических регламентов, актуальные проблемы и пути их решения в Республике Узбекистан.

По итогам заседания Экспертного совета были сделаны соответствующие рекомендации и выводы, а именно, принято решение об ускорении разработки первой редакции проекта технического регламента «Об электромагнитной совместимости», с целью широкого всестороннего обсуждения

заинтересованными организациями; обсуждены вопросы, связанные с подготовкой структуры технических регламентов: общего технического регламента «Требования к оборудованию телекоммуникаций» и двух специальных технических регламентов «Требования к инфраструктуре открытых ключей» и «Требования по обеспечению безопасности в почтовой связи»; также, отмечено, что при разработке технических регламентов необходимо учитывать наработанную действующую базу нормативных документов для определенного объекта технического регулирования, с последующей отменой нормативных документов, кроме того, принято решение, что при определении объекта технического регулирования необходимо проводить оценку по отнесению ряда требований в общий или в специальный технический регламент.

aci.uz

OqYol.uz — организация совместных поездок

Первого ноября в УзНЕТе стартовал специализированный интернет-сервис для организации совместных поездок на автотранспорте — OqYol.uz. Здесь водители и попутчики ищут друг друга, размещая на страницах сервиса объявления.

При помощи нового сервиса OqYol.uz любой желающий может подобрать себе удобный маршрут и договориться с водителем о стоимости поездки напрямую.

На сайте публикуются объявления о поездках в тот или иной город. К примеру, нужно поехать в Самарканд, а для организации более дешевой поездки нужны еще попутчики, конечно, можно простоять полдня в районах, откуда уезжают другие люди, однако, посредством сайта найти попутчиков гораздо проще — достаточно разместить на сайте объявление с указанием цены за проезд.

Стоит отметить, что сайт охватывает около 150 городов и населенных пунктов Узбекистан, кроме того, на сайте реализована воз-

можность радиального поиска. Когда нет водителей по прямому пути (Самарканд — Ташкент), однако имеется возможность договориться с попутчиками, которые начали поездку с другого города, скажем, следующего от нужного вам.

Идея Интернет-автостопа уже хорошо прижилась и в Европе, и даже в России. И плюсы ее не только в том, чтобы сэкономить деньги. «Тут можно и ездить с комфортом, и знакомиться с интересными людьми, и даже найти свою вторую половинку», — говорит один из руководителей сервиса. «Некоторые водители даже не просят денег, возьмут с собой хотя бы одного попутчика — и вот вдвоем уже не так скучно», — добавляет он.

OqYol.uz — это бесплатный интернет-сервис, который, на данный момент, является «площадкой» для организации поездок по Узбекистану, однако в перспективе он будет рассчитан также на страны СНГ, планируется запуск портала в домне .com

cib.uz

Бесплатный переход с тарифа «Алло» на «Алло! 1 сум!»

«Билайн» объявляет о введении льготных условий перехода на тарифный план «Алло! 1 сум!». Бесплатно перейти с тарифа «Алло» на «Алло! 1 сум!» можно до 1 декабря 2010 года.

Комментируя событие, коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков сказал: «Многие наши абоненты хотели бы получить возможность общаться друг с другом по уникально низкой цене, но по разным причинам не успели подключиться к тарифу «Алло! 1 сум!». Специально для них мы оставили возможность бесплатного перехода, который будет действовать до конца осени».

Для перехода с тарифа «Алло» на «Алло! 1 сум!» нужно набрать на телефоне код *110*01#. Абонентам других тарифных планов «Билайн» сначала необходимо набрать код перехода на тариф «Алло» *110*35#, а затем *110*01#. Стоимость перехода с других тарифов — \$1.

Абонентская плата тарифа с льготной тарификацией 1 сум за минуту исходящего звонка составляет всего 35 сум в день. Подробности — на www.beeline.uz.



Билайн

ПРОДАЖИ МОБИЛЬНЫХ ТЕЛЕФОНОВ УВЕЛИЧИЛИСЬ НА ТРЕТЬ

По оценкам аналитиков Gartner, третий квартал подряд мировые продажи сотовых аппаратов увеличиваются в двузначных процентах.

С июля по сентябрь было куплено около 417 млн. мобильных телефонов и смартфонов. Это на 35% больше по сравнению с третьей четвертью 2009-го, когда объем рынка составлял около 309 млн. штук.

Nokia со 117,5 млн. реализованных телефонов остаётся крупнейшим производителем. Правда, рыночная доля компании за год сократилась с 36,7 до 28,2%.

Южнокорейские Samsung и LG находятся на втором и третьем месте. Первая компания за три месяца продала 71,7 млн. «трубок», что соответствует 17,2% рынка, вторая — 27,5 млн. аппаратов, или 6,6% в общей массе.

На четвёртой строке в списке крупнейших производителей оказалась Apple с 13,5 млн. проданных «Айфонов» и долей в 3,2%.

Замыкает пятёрку Research In Motion, удерживающая 2,9% рынка: в течение прошлого квартала канадская компания реализовала 11,9 млн. аппаратов.

В рейтинг Gartner в порядке уменьшения доли также вошли Sony Ericsson (2,5%), Motorola (2,1%), HTC (1,6%), ZTE (1,4%) и Huawei Technologies (1,3%).

ОСВЕЩЕНИЕ УЛИЦ ГОРОДОВ С ПОМОЩЬЮ СВЕЯЩИХСЯ ДЕРЕВЬЕВ

Тайваньский ученый Йен Хсун Ву предлагает превратить деревья в подобию светодиодов и заставить их не просто очищать городской воздух за счет поглощения углекислого газа, а делать жизнь горожан светлее в ночное время суток. Таким образом, по мнению изобретателя, теперь количество деревьев можно будет увеличить, а фонари вообще убрать как пережиток прошлого.

Идея состоит в том, чтобы вводить в клетки листьев деревьев наночастицы золота. Первые опыты были поставлены на болотном полуводном растении *vasora caroliniana* (бакопа каролинская). Путем внедрения в листья растения наночастиц золота удалось добиться его биолюминисценции. Теперь технологию хотят доработать и перенести на деревья.

АККУМУЛЯТОРЫ ЗАРЯЖАЮЩИЕСЯ ЗА СЕКУНДЫ



Американская компания Iohus приступает к выпуску первого поколения гибридных аккумуляторов

батарей с повышенной емкостью, которые заряжаются за считанные секунды.

Новое устройство совмещает в себе активированный углеродный материал суперконденсатора, который накапливает заряд и слой литий-ионного материала, свернутого в цилиндрическую форму.

Новинка может найти применение в ноутбуках, электроинструментах, военных или медицинских приборах.

ПЕРВЫЙ ПЕРСОНАЛЬНЫЙ КОМПЬЮТЕР APPLE ВЫСТАВЛЕН НА ТОРГИ

На аукционе Christie's в Лондоне выставлен Apple-1 — первый компьютер, разработанный основателями компании Apple Стивом Джобсом и Стивеном Возняком в 1976 году. Стартовая стоимость лота составляет от 161 тысячи 600 долларов.

Торги назначены на 23 ноября. Организаторы аукциона надеются, что первый «яблочный» компьютер уйдет с молотка по цене около 250 тысяч долларов, сообщает РИА «Новости».

Компьютеры собирались в гараже дома родителей Стива Джобса, о чем свидетельствует обратный адрес на упаковке.



NOU-XAU

ZARRABIN

ЭЛЕКТРОЦИКЛЛАР ХИЗМАТДА

Испания почта оператори Correos 100та электроцикл харид қилиш эвазига автопаркини кенгайтирмоқчи. Электроциклларда хат-хабарлар шаҳар туманларига тарқатилади. Бу замонавий уловларнинг аксарияти Мадрид, Барселона ва Севиля сингари йирик шаҳарларда қўлланилади.

Электроцикллар MOVELE лойиҳаси доирасида харид қилинганди. Мазкур лойиҳага кўра, яқин вақт ичида 2000та электромобил ҳам сотиб олинади. Улар испан шаҳарларида қатновчи бензин двигателли автоуловлар ўрнини тўлиқ эгаллайди. Лойиҳа 2009 йилда кучга кирган бўлиб, 2010 йил охиригача ижроси таъминланади. Шунингдек, Испания шаҳарларида электр транспортни зарядлашга мўлжалланган 500та нуқта ҳам ишга туширилади.

Айтиш керакки, электроцикллар тезликни 80 км/соатгача ошира олади ва бир зарядлаш 70



километргача етади. Улар иқтисодий тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Гарчи оддий мотоцикллардан қимматроқ бўлсада, улар хизмат муддатининг

узюқлиги, ҳавога зарарли чиқиндиларни кам чиқариши, хизмат кўрсатиш харажатларининг камлиги каби қўлайликларга эга.

TARAQQIYOT

TNT ИККИГА БЎЛИНАДИ

Голландия почта оператори почта ва экспресс бўлинмаларини алоҳида компанияларга ажратмоқчи. Раҳбарлар шу йўл билан амалдаги даромад танқислигига чек қўйишмоқчи. 2010 йил иккинчи чорагида амалиётлардан олинган фойда 69 фоизга тушиб, 55 миллион еврони ташкил этди. Мураккаб вазиятда қолган голланд почтаси Европанинг етакчи почта операторига айланишдек улкан режасидан вақтинча воз кечди.

Компания раҳбарларининг фикрича, даромадлар камайишига почта хизматларининг оммавийлиги камайиши ва почта инфратузилмасига сарф-



ланаётган ортқича харажатлар сабаб бўляпти. Аксинча, тезкор элтув хизмати мижозларга кўпроқ маъқул келмоқда. Мазкур ҳолат TNTнинг Deutsche Postдан сўнг иккинчи Европа оператори сифатида эътироф этилишига замин ҳозирлади.

Ўз бизнесини такомиллаштириш учун TNT маслаҳатчиларни жалб этади, улар мавжуд ҳолатни ўрганиб, компанияларни ажратиш ва акцияларни тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқишади. Янги ташкил этилган мустақил компаниялар стратегик мақсадларга эришишда ўз йўлларида бо-

ралади.

QISQA SATRLARDA

ПОЧТА ЁШАРМОҚДА

Швейцария почтаси (Swiss Post) кадрларни ёшартириш масаласи билан жиддий шуғулланыпти. Стажёрларни тақсиф этиш ва ўқитиш дастури 2004 йилдан кучга кирганди. 2010 йилда ёшлар жамоанинг 5 фоизини ташкил этди, 2011 йили яна 750 нафар йигит-қизни (жамоанинг 10 фоизи) почтага жалб этиш кўзда тутилган. Улар логистика, савдо, коммуникациялар ва ахборот технологиялари соҳалари бўйича жами 12 таълим соҳасида почта мутахассиси бўлиб етишадилар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтганлар Swiss Postга ишга олинади.

КАНЦЕЛЯРИЯ БУЮМЛАРИ ПОЧТА ОРҚАЛИ



Австралия почта хизмати канитоварлар ва офис буюмлари тармоғи — OfficeMax компанияси билан интернет орқали савдонини йўлга қўйиш ҳақида ҳамкорлик битимини имзолаганди. Уч ойдири, почта хизмати сайти орқали OfficeMaxнинг 10 мингдан ортқ маҳсулотларига буюртма бериш мумкин. Тўлов амалга оширилганидан сўнг почтачилар тегишли маҳсулотни хонадон ёки ишхоналарга етказиб беришади. Асосий харидорлар компаниялар бўлиб, улар катта ҳажмдаги буюртмалар беришяпти. Табиийки, бундай харидорлар учун катта имтиёзлар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Австралия почтаси OfficeMax билан ҳамкорликда компьютерлар, офис техникаси ва ҳатто мебеллар савдосини амалга оширмоқда.

ХАРИД ҚИЛИНГАН МОЛНИ ҚАЙТАРИШ МУМКИН

Американинг UPS экспресс-етказув компанияси мижозларга интернет орқали харид қилинган молларни исталган почта бўлими орқали қайтариш имконини берувчи янги хизматни йўлга қўйди. Энди мижоз буюртмасини олганида молни қайтариш ҳуқуқини берувчи махус ёрлиқни ҳам олади.

Компания маъмурлари янги хизмат Қўшма Штатларда интернет-савдонинг ривожланишига катта ҳисса қўйишини таъкидлашган.



КАМЁБ МЕТАЛЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САНОАТИ

Экспертлар яқин келажакда мобил телефонлар, қаттиқ дисклар, суюқ-кристалл экранлар ва ҳоказо компьютер жамланмаларининг нархи осмонга кўтарилиб кетишидан хавотирдалар. Нархавонинг кўтарилишига Хитой ҳукуматининг юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган камёб металллар экспортга чеклов жорий этиши сабаб бўлиши мумкин.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, жаҳон камёб металлларининг 90 фоизи Хитойда қазиб олинади. Шу йил сентябрида Хитой уларнинг экспортини 40 фоизга камайтирди (ўтган йилга солиштирилганда 40 фоизга камайтирилган).

Ярим ўтказгичлар саноатида “камёб металллар” юқори диэлектрик доимийликка эга изоляция плёнкаси вазифасини бажаради. Церийнинг кислород билан кимёвий бирикмаси (CeO2) нархи жорий йили минг фоиздан кўпроқ қимматлашган. Мазкур бирикма, шунингдек, қаттиқ дисклар, суюқ-кристалл экранлар ва кучли ёрқинликдаги ёруғлик диодлари ойналарини силлиқлашда қўлланилади.

“Сўнгги йигирма йилда ишлаб чиқарилишида камёб металллар қўлланиладиган элементларга талаб портлаш даражасида ошди. Бундай бой конларга ва арзон ишчи кучига эга Хитой камёб металллар нархини шунчалик пасайтириб юбордики, оқибатда рақобатга бардош бера олмаган бошқа мамлакатлардаги шахталар фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди”, — дея таъкидлайди The Information Network гуруҳи президенти Роберт Кастеллано.

Унинг айтишича, жорий йилда ноутбуклар ва плазмали телевизорлар дисплейларини ёритишда қўлланиладиган лампаларда ишлатилувчи камёб металл — европийнинг бозор баҳоси 170 фоизга юқорилаган.

Сўнгги ўн икки ойда қаттиқ дисклар учун магнит ва шамол турбиналарида ишлатиладиган яна бир камёб металл — неодим 420 фоизга қимматлашди.

“Қачонки Хитойдан ташқарида ҳам бундай металлларни қазиб олиш стартичи йўлга қўйилмас экан, юқори технология маҳсулотлари баҳоси осмонга кўтарилиб бораверади”, — дейди Кастеллано.

Камёб металллар “нодир металллар” гуруҳининг бир қисми ҳисобланади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, камёб дегани бу уларнинг ҳақиқатан ҳам табиатда кам учрашини аниқлатмайди. Масалан, бу рўйхатдаги металлларнинг исталгани ер қобинида кумушга нисбатан кўп тарқатган, айримлари эса қалайга нисбатан кўпроқ, Шунга қарамастан, уларнинг нархи ўта юқори, ва аксинча, уларни ишлаб чиқариш ҳажми жуда чекланган.

Камёб металллар сирасига скандий, итрий ва яна 15 элемент (улар орасида энг кўп тарқатгани — церий) киритилган. Улар асосидаги бирикмалар — кўп миқдорли ёки кам миқдорли кўринишларида саноат маҳсулотларида ишлатилади.

Катта ҳаёт бўсағасида

Юртбошимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.


Дарҳақиқат, шу нуқтаи назардан олиб қаралдиган бўлса, юртимиз таълим тизимида кейинги йилларда рўй берган туб ўзгаришлар ёш авлод дунёқарши-ю маънавиятига, интилувчанлиги-ю камолотига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Замонавий фан ютуқлари, илғор технологиялар имкониятидан унумли фойдаланишга навқирон авлод вакиллари ҳам ўзларида кучли эҳтиёж сезишяпти. Зотан, давлатимиз устувор сиёсатининг бош йўналишларидан бири ҳам шундир.

Кувонарлиси шундаки, ўз ҳаётини тобора тараққий этиб бораётган алоқа соҳасига бағишламоқчи бўлган йигит-қизлар мамлакатимизда талайгина. Ҳеч шубҳасиз, Бухоро вилоятида ҳам ўз мақсади сари дадил олға интилаётган ёшлар кўпчиликти ташкил этади. Ана шундай ёш мутахассислардан бири — Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация факултетини 2008 йилда битирган Санжар Қодировдир. У 1986 йилда Пешку туманида туғилган. Шу ердаги 2-умумтаълим мактабида билим олган. Олий ўқув юртини битиргач, дастлабки иш фаолиятини Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг катта электромеханиги сифатида бошлаган.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ алоқа соҳасига қизиқа бошлаган эдим, — дейди у. — Ин-форматика фани ўқитувчимиз, малакали педагог Ҳамза Гадов айна шу фан тўғараги раҳбари сифатида ҳам биз — ёшлар қалбига ушбу соҳага кучли қизиқишни уйғота олганлиги боис, айнан ТАТУни танлаган бўлсак ажабмас. Синфдошларимдан Бобир Ниёзов, Шухрат Гадов ва бошқа бир қатор тенгдошларим ҳам университетда мен билан бирга билим олишди. Ҳозир улар ҳам алоқа соҳасида ўз фаолиятларини бошлаб юборишган.

— Биринчи иш куним ҳеч қачон эсимдан чиқмас керак, — дея суҳбатни давом эттиради Санжар. — Бухоро шаҳар ТБ бошлиғи ва бош муҳандиси билан ўтказилган илк учрашувдаёқ, аниқроғи, қисқа бир мулоқот асосида биз битирувчи ёшлар ўз хизмат вазифамизга сидқидилдан ёндашишимиз зарурлигини, кундалик ишнинг катта-кичиги бўлмаслигини, энг муҳими, ҳалол-покиза ишлаб, меҳнат интизомига қатъий риоя қилишимиз кераклигини қалбан ҳис этган эдик. Мана орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтибди ҳамки бу ҳис-туйғулар бизни асло тарк этган эмас ва ҳеч қачон тарк этмас керак.

Ҳа, илк иш кунидаяқ Санжар



Қодиров университетда ўтилган барча фанлар — ахборот-коммуникация тизимлари, чет тили ва бошқа дарслар кундалик иш фаолияти учун нечоғлик зарур эканлигини ич-ичдан ҳис этган, ёшларга меҳр билан сабоқ берган устозларининг ўғитлари ва доно маслаҳатлари зое кетмаслиги учун қўлидан келадиган барча ишни қилиши зарурлигини тўлиқ англаб етган эди. Ўтган давр ичида Санжарнинг ўз ҳамкасбларига ўрнак бўларли даражада ишлаб келаятиганининг асосий боиси ҳам ана шунда. У ҳеч муболағасиз, ташаббус кўрсатиб, ғайрат билан ишлай оладиган ёшлардан. Совуққонлик, танбаллик ва бекорчиликни ёқтирмайди. Бўш қолди дегунча, соҳага оид ёки бадиий китобларни мутолаа қилишга тушади. Фикрининг тиниқлиги, дунёқарашининг кенглиги ана шундан. Ҳали университетда ўқиб юрган кезларидаяқ тиришқоқлиги ва изланувчанлигини тўлиқ намоён этган, энг пешқадам ва аълочи талабалардан бир сифатида курсдошлари ва устозлари тилига тушган эди. Пойтахтдаги Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказидаги ўқув ва амалий машғулотлар давомида олган билимлари кейинчалик ТАТУ ҳақидаги маълумотларни тўлиқ шакллантиришда, бир қатор янги веб-сайтлар тузишда қўл келди. Ўшанда Санжар билан бирга ушбу марказда сабоқ олган 20дан ортиқ ёшлар ҳам кейинги иш фаолиятларини аниқ белгилаб олишди. Уларнинг аксари яти алоқа соҳасида талбиркорлик фаолиятига дадил қўл уришди.

Санжар Қодировнинг малакали мутахассис

бўлиб шаклланишида Пешку тумани телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган ўқув амалиёти ҳам муҳим ўрин тутди. Боғлама бошлиғи Ҳасан Ҳамроев ва бошқа бир қатор малакали муҳандис-техниклар амалиётчи-талабалардан билганларини аяшмади, қунт билан ўргатишди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Натижа бугунги кунда ойдек равшан: Санжар танлаган соҳанинг пешқадам ходимларидан бирига айланиб бормоқда.

Айни пайтда у Бухоро шаҳар ТБда етакчи муҳандис сифатида фаолият олиб бораёпти. Тан олиш керак: боғлама диспетчерлик хизмати (тезкор хизмат кўрсатиш гуруҳи) етакчи муҳандиси зиммасида Низом талабларига кўра бир қатор муҳим вазифалар бор. DSLAM қурилмалари монтажини амалга ошириш, ушбу қурилмалар иши тўғрисида тегишли ҳисоботларни тайёрлаш, бу қурилмалардан абонетларга портлар ажратиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш, абонентларнинг ойлик сигментациясини тайёрлаш, боғламадаги компютерлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш, боғлама локал тармони иш фаолиятини назорат қилиб бориш, боғлама интернет-кафесининг компютер ва ортехника воситаларининг техник метёрларда ишлашини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини ташкил этиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, С.Қодиров ҳозирги пайтда боғламанинг ёш мутахассислари билан бирга мавжуд компютерларни созлаш, қайта ўрнатиш, UzNET аппаратуралари созлигини текшириш ва монтаж қилиш сингари техник юмушларни боғлама бош муҳандиси Улуғбек Исмоилов раҳбарлиги остида тез ва соз бажариб, меҳнат жамоаси аъзолари хурматида сазовор бўлмоқда. Вилоят марказидаги корхона, ташкилотлар ҳамда хонадонлардаги тегишли буюртлар асосида ADSL портларини ўрнатиш у ва унинг меҳнатсевар дўстлари ғайрат-шижоати туфайли ўз вақтида ва сифатли амалга оширишмоқда. Шу тарихи замонавий алоқа воситалари афзалликлари барча ерда бирма-бир кўзга аниқ ташланиб турибди.

— Биз ёшлар катта ҳаёт бўсағасида турибмиз, — дейди Санжар. — Эндигина бир-икки “бекат”ни босиб ўтдик, холос. Юксак технологиялар асри — XXI асрнинг ойдин йўлларидан дадил олға интилишимиз, тезкор ва шиддатли давримиз билан ҳамнафас ва ҳамқадим одим ташлашимиз зарурлигини яхши биламиз. Мустақил Ватанимизда эса бунинг учун барча имкониятлар бор. Қолаверса, асримиз ўрталарига бориб яратилажак ва энг биринчи навбатда инсон манфаатларига хизмат қилувчи мўъжизавий кашфиётларда ҳозирги ёшларимизнинг салмоқли ҳиссаси бўлиши ўз-ўзидан аён. Шу боис, бутун билимимиз, зеҳнимиз ва куч-қувватимизни, ақлий салоҳиятимизни ана шу олий мақсаднинг амалга оширилишига сафарбар этиб, келажаги буюк Ўзбекистонимиз равнақи йўлида меҳнат қўлаверамиз.

Санжар Қодиров ва унинг барча дўстлари орзу-умидлари тўлиқ амалга ошишига тилакдошимиз.

Асқар ИСТАМОВ,

“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 42-модда



Бугунги кунда юртдошларимизнинг хоринда таълим олиши, мутахассислиги бўйича малака ошириши, ўзаро илғор тажриба алмашиши одатий ҳолатга айланган. Чунки, ушбу эзгу ниятларимизнинг барчаси тобора тараққий этаётган мустақил Ватанимизнинг эртанги равнақи йўлида олиб бораётган вазифаларимиз саналади.

Юртимизда ахборотлаштирилган жамият барпо қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ҳиссаси муносиб равишда изчил суръатларда ошиб бормоқда. Жумладан, шу йилнинг 4-22 октябрь кунлари Республика ахборот-кутубхона марказининг тўртта ходими марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, жаҳон стандартлари даражасида фаолият олиб бориши мувофиқлаштириш борасида Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон

Ҳамкорлик

штати марказий кутубхоналари, нуфузли университет, музейларида бўлишиб, уларнинг бу борадаги ишлари билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтилар. Ҳамкорлик борасида бундай қувонч фарғоналик Ирина Вяльх, бухоролик Иқболхон Саидова, хоразмлик Дилбархон Рўзметова ва қорақалпоғистонлик Марина Ўтаниёзова нарса насиб қилди.

“Президентимизнинг 2006 йил, 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таълимлаштириш ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мутахассисларимиз зиммасига ўқувчи, талаба ва аҳолига хизмат кўрсатиш сама-

радорлигини ошириш, ҳар қандай фойдаланувчи китобхонларнинг илмий, таълимий, ахборот-ресурсларига бўлган қизиқишларини, талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришни интернет ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятлари асосида тезкорлик билан амалга ошириш, йиғма электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш каби бир қатор вазифаларни олдимизга қўйган эди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси АКМ ахборот технологиялари бўлими мудири Марина Ўтаниёзова биз билан суҳбатда. — Калифорния, Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Чикаго каби шаҳарларда сафарда бўлган

чоғимда ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқ бошқариш тизимини такомиллаштиришда автоматлаштирилган иш ўринлари муҳим аҳамият касб этишига амин бўлдим. Шунингдек, янги ахборот технологияларини амалда кенг миқёсда жорий этиш ва такомиллаштириш, электрон маълумотлар банки ҳамда базасини яратиш ва ундан аҳолининг фойдаланишини ташкиллаштириш, хизмат кўрсатиш турлари ва усулларини кенгайтиришимиз зарур экан”.

Сафардан қайтган Марина жаҳоннинг нуфузли марказий кутубхоналари билан бемалол беллаша оладиган “Меридиан” ва “Конгресс” кутубхоналаридан олган билим ва бой таассуротларини ўртоқлаштириш учун ўқув-семинарларини ташкил этиш ниятида.

Икромбек ХОЛМУРДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

“BEELINE CLUB” GPRS-ПАКЕТЛАРНИ БОНУС КЎРИНИШИДА ТАКДИМ ЭТМОҚДА

“Билайн” (“Юнител” МЧЖ ва “Бузтон” ҚК) “Beeline Club” дастури иштирокчилари учун янги бонус – GPRS-пакетлар тақдим этилишини эълон қилади.

Энди старли балл йиғиб, клуб аъзолари уларни осонликча GPRS-пакетларга алмаштиришлари мумкин. 70 баллни 5 мегабайтдан иборат пакетга алмаштириш учун ўз телефонидан *777*4*5# сўровини юбориш керак; 130 баллни 10 мегабайтдан иборат пакетга алмаштириш учун *777*4*10# сўровини, 250 баллни 20 мегабайтдан иборат пакетга алмаштириш учун эса *777*4*20# сўровини юбориш kifoya.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йил 2 мартдан бошлаб, “Билайн”нинг ҳар бир мижози *777# бепул сўровни жўнатиб, “Beeline Club”га уланиши ва дастлабки 20 бонус балини совға тариқасида олиши мумкин. Бундан кейинги баллар “Билайн”нинг одатдаги хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисобланади: дастурнинг рўйхатга олинган қатнашчилари энди телефон орқали мулоқот қилиб, нафақат пулни сарфлайдилар, балки бонусларни ҳам ишлаб топадилар.

UCeLL — 7 МИЛЛИОН АБОНЕНТ ТАНЛОВИ

Ucell мобил алоқа оператори 7 миллиончи абонент маррасини забт этди (Ўзбекистон Республикаси абонентларни рўйхатга олиш тартиб-қоидаасига асосан).

Компания абонентлар сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Уч ойдан кам муддат аввал Ucell абонентлари сони 6 миллионга етган эди ва энди янги чўққига эришилди.

“Бизнинг компаниямиз учун бу жуда муҳим воқеа. Ucell мамлакат аҳолисининг ишончини қозонишни давом этмоқда ва барча абонентларимизга мен ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдирмоқчиман, — деди Ucell бош директори жаноб Оғуз Мемигювен. — Биз компаниямиз абонентларини янги ва қизиқарли таклифлар билан хурсанд қилаверамиз”.

Ucell ушбу маррани қизиқарли тарифлар, сифатли алоқа, ёрқин бренд ва абонентларнинг турли-туман талабларини қондира оладиган энг замонавий технологияларга асосланган хизматлар туяфайли забт этишга эришилди.

“Xabar” газетасига ким қанча обуна бўлди?

2011 йил учун расмийлаштирилаётган
обуна бўйича 2010 йил 10 ноябрғача бўлган
маълумот

Вилоятлар	
Қорақалпоғистон Республикаси	86
Андижон	537
Бухоро	40
Жиззах	79
Қашқадарё	8
Навоий	32
Наманган	424
Самарқанд	122
Сурхондарё	278
Сирдарё	11
Тошкент	752
Фарғона	428
Хоразм	237
Тошкент шаҳри	1647
Жами	4681

“Маълумот “Матбуот таркатувчи” АК
томонидан тақдим этилди.

Ўзбекистонда Экожурналистика республика танлови

Атроф-муҳит муҳофазаси ишларига жамоатчиликнинг барча қатламини кенг жалб қилишда Экожурналистиканинг ўрни беқийёс. Соҳага доир янгиликларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Экологик соҳада фаолият олиб бораётган журналистларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида 2001 йилдан буён Марказий Осиё давлатларининг экологик ташкилотлари ҳамкорликда Экожурналистика минтақавий фестивалини ўтказиб келмоқда. Мамлакатимиз вакиллари бу фестивалда 2002 йилдан бошлаб мунтазам иштирок этишади. Ўша йилдан бошлаб республикамизда Экожурналистика Миллий танлови узлуксиз ўтказилмоқда ва унда сараланган ижодий ишлар Марказий Осиё минтақавий фестивалида қатнашиш имкониятини қўлга киритади.

2010 йилда Экожурналистика республика танловини Ўзбекистон экологик ҳаракати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Экофорум, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ННТ миллий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказишни режалаштирган. Миллий танловга тайёргарликни кучайтириш ва уни юқори савияда ўтказиш, фолибларни рағбатлантириш мақсадида қўшимча маблағлар жалб қилиниб, танлов ташкилотчилари томонидан Қўшма қарор қабул қилинди ва унинг Низоми тасдиқланди.

Республика танловига 2009 йилнинг 1 декабридан то 2010 йилнинг 30 ноябригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади.

Миллий танлов шартларига асосан қуйидаги йўналишлар бўйича ижодий ишлар қабул қилинади:

1. Телевидение

- видеофилм;
- муаллифлик дастури (иқкитадан кам бўлмаган);
- сюжетлар;
- ижтимоий-экологик ролик.

2. Радио

- янгилик лавҳалари;
- ижтимоий-экологик ролик.

3. Босма ОАВ

- ахборот мақолалар серияси;
- таҳлилий мақола;
- бадиий-публицистик мақола;
- илмий-оммабоп мақола.

4. Интернет

- наирлар серияси;
- экологик сайт.

5. Энг яхши экологик нашр

6. Рағбатлантирувчи совғалар

- энг яхши илк ижодий иш (ёшлар учун);
- экожурналистикани қўллаб-қувватлаганлиги учун (ҳомийлар учун);
- экологик бизнес фояларни татбиқ этганлиги учун (ҳомийлар учун).

Танловга келиб тушган ижодий ишларни оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг етакчи мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари баҳолайдилар.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги, “Экология хабарномаси” журнали, GARNET тармоғи, www.eco.uz, www.caresd.net, www.econews.uz, www.uznature.uz, www.ecoforum.uz, www.ngo.uz веб-саҳифалари Экожурналистика республика танловининг ахборот кўмакчиларидир.

Ташкилий қўмита билан боғланиш
Тел: 333-76-60, 245-46-72. e-mail: ecopol@tps.uz



ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

“YUNIBEK PLUS” хусусий қорхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2009 йил 16 декабрда берилган АА серияли 0003090 рақамли;

“NAVOIY-PROGRAMM-SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Навоий вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2010 йил 4 майда берилган АА серияли 0003230 рақамли;

“МУСАВВИР ВОДИЙ ФАЙЗ” хусусий қорхонасининг (Андижон вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2010 йил 3 мартда берилган АА серияли 0003154 рақамли лицензиялар 2010 йил 12 ноябрдан бекор қилинди.

Мутолаа лаззати

яшашга, ишлашга, имкониятлардан фойдаланишга ўргатади

Кичикроқ издиҳомда ўтиргандик, сергапгина бир киши ўртага савол ташлаб қолди:

— "Xabar" бизни бой қилади, агар ўқисак?

Бу лўқма, турган гапки, менга қаратилган эди. "Авалло "Xabar"ни маънавий бой одам ўқийди ва маънавийни янада бойити. Газетадан олган билимлари, агар у ҳақиқий алоқачи бўлса, унинг оиласи фаровонлигига ҳам хизмат қилади..."

Шундай жавоб бериш керак эди. Бироқ ҳарчанд уринманг, асли билимсизни бир зумда зиёли қилиб қўя олмайсиз. Бежиз билимсизга қўл берма демайдилар-да. Айни вақтда лўқмани жавобсиз қолдиrolмасдим. Шу боис "Xabar" кириб бораётган оилалар аъзоларини ўртача тўрт нафардан иборат деб ҳисобласак, ҳали ўқувчилари сони 45000дан ошиб кетади. Уларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам 25-30 фоизи нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам тўкинчиликда яшаётганига шубҳа қилмайман", деб қўя қолдим. У "Қандай қилиб? Тушунтириб бериң-чи?" демади. Дея олмасди. Чунки буни англаш, моҳиятига етиш унга анча мушкуллик қиларди.

Аммо жума кунни "Xabar"ни кутадиган, уни иштиёқ билан ўқийдиганларнинг ҳар бири бир олам. Мутолаадан ўзларига яраша ҳузур олишади. Ҳаммасининг ўз севган мавзуси бор. Муҳими, ахборот технологиялари дунёсида рўй бераётган мислсиз янгиликлардан хабар топишади. Тушунган одамга шунинг ўзи катта бойлик-да! Компютери йўқ, интернетга кириш имконияти бўлмаган, бироқ замондан ортда қолмай, деган одам ўзи учун "Xabar"дан зарур маълумот-

ларни ўқийди, таҳлил этиб, хулоса чиқаради. Топган-тутганини дабдабали тўйлар қилиб "довруғ қозониш"гагина эмас, бир қисм маблағни газета-журналлар обунасига, компютер олиб, интернетга уланишга ҳам ажратади, албатта. Фарзандлар билими ошади, дунёқараш кенгайди, дегани бу — оилада ҳаёт сифатини оширишга, соғлиқларини мустаҳкамлашга мустаҳкам замин яратади, деганидир.

— Яқинда "Xabar"да "Интернет ягона тармоқ эмас", сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим, — дейди "Фарғона Телеком" филиали ходими Манзураҳон Ҳожийўллошева. — Дарҳақиқат, бу тармоқни, мақолада таъкидланганидек, салбий таъсири ахборотлар таркатади, ишончсизлари кўп, деб айюҳаннос солдилар. Лекин тармоқ ёшларга дарс тайёрлашда кўмакчи, бизнинг иш жараёнларимизда воситачи, тараққиётга қанчалар хизмат қилаётганини таъриф-тавсифлаб бериш қийин, дея жуда тўғри ёзишди. Мени, айниқса, интернет тарихи билан боғлиқ маълумотлар ҳайрон қолдиради. ARPANETнинг илк ахбороти 1983 йилда узатилган, кейинги анча такомиллашган тармоқ — Миллий фан федерациясининг NETWORKи 1984 йилда иш бошлаган экан. Буни қарангки, ана шу тармоқ 1990 йилда ARPANETни сиқиб чиқарибди. Энди эса NSE Net базасида "Интернет2" лойиҳаси устида иш бошланибди. Бемисл тезлигидан ташқари ахборот хавфсизлиги таъминланган экан. Қизиқ, ҳозирги интернет имкониятлари етарлидай туюлгани билан идеал эмас экан-да! Ўзининг бор имкониятларини ишга солса, "Интернет2" 100

маротаба кўп тезликда ишларкан...

Кўриб турибсизки, газета мутолаа қилиб турадиганлар билан мулоқот қилишнинг ҳам гапши бўлади. Саволлар ва тақлифларни эшитиш ҳам мароқли кечади:

— Менга ёш оналарга, уй бекаларига маслаҳатлар жула ёқади, — дейди Раънохон Иброҳимова. — "Xabar"нинг 46-сонидаги "Халлоликка нима етсин" мақоласини болаларимга ўқиб бердим.

"Фарғона Телеком" филиали кадрлар бўлими бошлиғи Равшанбек Холиқовнинг мутахассислиги — юрист. Шунинг учун уни қонунлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ мақолалар қизиқтиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалининг энг ёш мутахассисларидан Аҳрорбек Қодиров ҳамда Бунёдбек Дадабоевлар газетадан дунё почтаси тарихи, ҳозирги кунни, муваффақиятлари, янгиликлари ҳақидаги мақолаларни битта қўймай ўқиб чиқишади. Жумладан, улар ҳам "Болқон мамлакатлари почтаси" мақоласи тўғрисида гапиришади: Почта фаолиятини шунчалар такомиллаштириш мумкин экан. Қаранг, Черногорияда ҳар қандай почта бўлими бир пайтнинг ўзида савдо дўкони ва-зифасини ҳам бажариб, уларда почтага тааллуқли ва бошқа моллар ҳам сотилар экан. Бундай иш тарзи ўзимизда ҳам жорий этилса, фойдалан холи бўлмасди...

Хулоса шуки, "Xabar"ни ўқишда, севшишда. Негаки, у яшашга, ишлашга, ижод қилишга, имкониятлардан фойдаланишга ўргатади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг
Фарғона вилоятидаги мухбири

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири — ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзининг муҳим изларини қолдиради.

Мана шундай кутилмаган ҳолатларга йўл қўймаслик ва ёнғинни олдини олиш учун ҳар биримиз фаол кураш олиб боришимиз даркор. Корхона, ташкилот биноларида, шунингдек аҳоли тураржойларида олдинги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Шунингдек, ёнғин турган электр асбоблари ёки газ плитасини қаровсиз қолдириш, уларни бошқаришни болаларга ишониб топшириш ҳам ёнғин хавфсизлигига зид омиллар эканлигини бир зум унутмаслигимиз зарур.

Уларнинг ертўлиси ва чордоқларида тез аланга оладиган моддалар — бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликлар сақлаш асло мумкин эмас. Улар сақланган жойларга эса очиқ оловдан фойдаланиш, шам ва гугурт ёқиш қатъийан ман этилади. Чунки бундай эҳтиётсизликлар аянчли кўнгилсизликларга сабаб бўлиши кўп кузатилган. Бундай офатлар нафақат шу хонадон аҳли, балки қўни-қўшниларнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид солади.

Ёнғинга олиб келувчи турли омилларга йўл қўймаслик борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида, ҳусусан маҳаллалар, мактабгача таълим муассасалари, олий ва ўрта махсус

таълим юртлирида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Аммо бу масалаларни ёшларга тушунтириш фақат уларнинг иши эмаслигини ҳис қилган ҳолда ҳар биримиз, айниқса, маҳалла фаоллари бу борада жонбозлик кўрсатишса, натижа янада яхши бўлар эди.

Амалга оширилаётган профилактик тадбирларга қарамай, ёнғин чиқиб ҳолатлари учраб турибди. Таҳлиллар бундай кўнгилсизликлар асосан фуқароларнинг эҳтиётсизлиги, талабга жавоб бермайдиган қўлбола электр ва иситиш ускуналаридан фойдаланиши оқибатида юзага келаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, бу каби кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги нафақат ушбу ёнғин хавфсизлиги ойлигида, балки бутун йил давомида ёдимизда бўлса, соғлиғимизни, қолверса, мол-мулкимизни асраган бўламиз. Шу сабабли газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда энг олғий, аризмас бўлиб қўриган тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилишимиз зарурдир.

Хурматли юртошлар, ёнғинни олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланиб, унда фаол иштирок этиш орқали нафақат мулкимизни, энг асосийси соғлиғимизни сақлаб қолган бўламиз.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
ЕХБ 12-ХЕХО катта инспектори, сержант
Фахриддин АРИПБОВ,
ЕХБ 12-ХЕХО катта инспектори, кичик сержант

Даврий матбуот ҳақида гап очар эканмиз, унинг тарихига назар ташламоқни жоиз деб билдик. Мамлакатимиз ҳудудидида матбуотнинг пайдо бўлиш жараёни XIX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Мустамлакачилар минтақада яшовчи ерли халқларга ўзларининг сиёсатларини тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида 1870 йилда Тошкентда "Туркистанские ведомости" ва "Туркистон вилоятининг газети"ни ташкил этган. Марказий Осиёда даврий матбуот шу тарика пайдо бўлган.

МАТБУОТ — тарбиянинг бир йўли

"Туркистон вилоятининг газети"да эълон қилинган маданий-маърифий мавзудаги мақолалар газетхонларнинг билим савиясини оширишга кўмаклашди. Уларда дунёвий ишларга, фан ва техникага, бошқа халқларнинг илғор маданий ва адабий меросига қизиқишни кучайтирди. Мазкур газеталар ўлкадаги даврий матбуотнинг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратгани билан ҳам аҳамиятлидир.

"Туркистон вилояти газети" ўзбек публицистикасининг шаклланишига йўл очди. Фурқат, Сатторхон Абдуғафоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа кўп қабил зиёлиларнинг бу газета билан ижодий ҳамкорлиги натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш авж олгани, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кўпайишини таъминлади. Бошқача айтганда, мазкур нашр маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтади.

Туркистонда ўзбек тилидаги дастлабки даврий нашрнинг пайдо бўлиши 1905-1907 йиллардаги 1-рус инқилоби даврига тўғри келади. Аввал Тошкент, кейин Самарқанд, Фарғона, Қўқон ва Бухорода бирин-кетин ижтимоий-сиёсий ва адабий мазмундаги даврий нашрлар ташкил топган. Уларнинг ташкилотчилари, муҳаррирлари ва етакчи муаллифлари асосан XX аср бошида Туркистонда юзага келган жадидчилик ҳаракатининг ғоявий йўлбошчилари бўлган. Жадидлар истеълочилар ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан топталган Туркистон ўлкасини обод ва тараққий этган юртга айлантириш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофот ботқоқидан қутқариб, илм-маърифатли этиш юзасидан кенг фаолият олиб бордилар. Зеро, улар бу эзгу ниятларига эришишда матбуот қудратли таъсир воситаларидан бири эканини яхши англашган.

Ҳар бир нарса ўз тарихига эга бўлганидек, матбуот нашрлари ҳам узоқ ва машаққатли тарихий даврни босиб ўтиб, истиқлол туфайли Ўзбекистон Республикаси матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги ривожланиш босқичи бошланди.

Ўзбекистон Республикасида ривожланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек эзгу ният барча жаҳалар сингари журналистиканинг ҳам мақоми ва тузилмасида туб ислохотларни амалга оширишни тақозо қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ҳолатига доир алоҳида модда баён этилган. Конституциянинг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди" дейилган. Республика фуқаролари фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари билан таъмин этилгани мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси халқларининг муҳим сиёсий ютуғидир.

Истиқлол туфайли даврий матбуотнинг аҳамияти ҳар жиҳатдан юксалди. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар натижасида янги-янги нашрлар таъсис этилди. Жумладан "Халқ сўзи", "Народное слово", "Фидокор", "Xabar", "Адолат", "Миллий тикланиш", "XXI аср", "Хуррият", "Хуқуқ", "Моҳият", "Зеркало XXI", "БВВ" сингари газеталар нашр этилмоқда.

Ўтган даврда санокли журналлар қаторига ўнлаб янги нашрлар қўшилди. Мавжуд "Шарқ юлдузи", "Гулистон", "Ёшлик", "Фан ва турмуш", "Саодат", "Ўзбекистон матбуоти", "Гулхан", "Ғунча" журналларининг шакли, дизайни, мазмун-мундарижаси янгиланди, бойиди. Зеро, бундай матбуот нашрларининг хилма-хиллиги ва унда ёритилаётган мавзуларнинг долзарблиги, халқнинг қизиқиши ортиб бориши ва маънавий дунёқарашининг бойишига замин бўлиб хизмат қилади десак, адашмаган бўламиз.

Дилюза МУРОДОВА,
Зокир ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети 3-босқич талабалари

OSIYO O'YINLARIDA

**СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ
ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАРИ**



Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари давом этяпти. Шу кунгача ўтказилган мусобақаларда атлетларимиз спортнинг бадий гимнастика, каноэ, слаломда эшак эшиш, тезкор шахмат, велотрек, ўқ отиш, дзюдо, таэквондо, теннис, сув полоси ва оғир атлетика турларида медаллар шодасини қўлга киритишди. Улар умумжамоа ҳисобида медаллар сонига кўра олтинчи, тўпланган очколар бўйича еттинчи ўринни банд этиб туришибди.

ОЛТИН

Ўзбекистон спорт делегацияси газнасига биринчи олтин медални дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди. Олтмиш килограмм вазн тоифасида халқаро дзюдо федерацияси рейтингда етакчилик қилаётган Ришод Собиров финал учрашувига қадар вьетнамлик Тонг Нат Нгуен, макаолик Кин Ваи Вонг, ҳиндистонлик Навжот Чана, Пекин Олимпиадаси голиби Чой Мин Хо (Жанубий Корея) устидан галаба қозонди.

Ҳал қилувчи жангда Ришод япониялик Хироаки Хироака устидан уч дақиқада соф галабага эришиб, Осиё ўйинлари голиби бўлди.

Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам рапид – тезкор шахмат мусобақасини мағлубиятсиз яқунлаб, олтин медал билан тақдирланди. 2004 йили жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Осиё ўйинларида тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамгарди. Р.Қосимжонов мусобақа давомида малайзиялик Мок Се-Менг, индонезиялик Сусанто Мегаранто, вьетнамлик Сон Нгуен ва Лиём Куанг Ле, ҳиндистонлик Шекхар Гангули, хитойлик Бу Ксианжани энгиб, қатарлик Муҳаммад ас-Саид, ҳиндистонлик Кришнан Шашкиран ҳамда қозоғистонлик Дармон Саидвақосов билан дуранг ўйнади.

Велотрек мусобақаларида Владимир Түйчиев юртимиз байроғини баланд кўтарди. Тўрт йил аввал Катарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган ҳамюртимиз бу гал шахсий натижасини яхшилаб, «Гуанчжоу-2010»нинг олтин медалига эга бўлди.



КУМУШ

Спортчиларимиз ҳозиргача 9та кумуш медални қўлга киритишди. Дзюдочиларимиздан тўрт нафари бу борада ўзларини кўрсатишди.

Олимпия ўйинлари кумуш медал совриндори Абдулла Тангриев ўта оғир вазн тоифасида ўтказилган баҳсларда Саудия Арабистони вакили Рашид Зайдан, тожикистонлик Шавкат Иқболов, қозоғистонлик Ержан Шинкеевни мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди.

Ҳал қилувчи беллашувда Жанубий Корея вакили Су Ван Кимга имкониятни бой берган Абдулла Тангриев иккинчи ўрин билан кифояланди.

Жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев 90 килограмм вазн тоифасида қатарлик Авал Наимий, ливанлик Жад Фадел, мўғулистонлик Энгхбат Эрденебилекни энгиб, мусобақани иккинчи ўринда яқунлади. Яна бир моҳир спортчимиз Шокир Мўминов туркманистонлик Равшан Амандурдиев, эронлик Муҳаммад Жамолӣ, қозоғистонлик Ислон Бўзбоевдан устун келиб, терма жамоамиз ҳисобига учинчи кумуш медални келтирди.

Вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида татамига чиққан Мирзоҳид Фармонов дастлабки уч учрашувда покистонлик Оятулла, қозоғистонлик Достон Екибоев ва қирғизистонлик Ислон Баялинов устидан соф галабага эришиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда Жанубий Корея вакили Жу Жин Кимга ютқазган М.Фармонов Ўзбекистон спорт делегацияси газнасида Осиё ўйинларининг тўртинчи кумуш медалини қўшди.

Оғир атлетика бўйича 85 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Мансур Чашемов ҳам терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални қўшди. Тажрибали полвонимиз штангани даст кўтаришда 172, силтаб кўтаришда 200, жами 372 килограмм натижа билан шоҳсупанинг иккинчи погонасидан жой олди.

Спорт гимнастикаси беллашувида кумуш медалга сазовор бўлган юртдошимиз Антон Фокс терма жамоамиз умумий натижасини яхшилади.

Денис Истомин, Мурод Иноятов, Важа Узоқов ва Фаррух Дўстовдан таркиб топган теннис бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Вьетнам ва Жанубий Корея спортчиларини 3:0, Япония вакилларини 2:1 ҳисобида энгиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи беллашувда Хитой Тайпейи теннисчиларидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган ҳамюртларимиз кумуш медал билан кифояланди. Шунингдек, Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрихлар жуфтлиги академик эшак эшиш беллашувида, таэквондо бўйича Дмитрий Ким кумуш медалларни қўлга киритишди.


БРОНЗА

Гуанчжоуда дзюдочиларимизнинг иштироки муваффақиятли бўлмақда. 1та олтин, 4та кумуш медал ёнига 3та бронза медал ҳам қўшилди – Рамзиддин Саидов, Наврўз Жўрақобиллов ва Ўткир Курбоновлар терма жамоа медаллар шодасини бойитишди.

Спорт гимнастикасининг хода устида машқ бажариш тури бўйича ўтказилган яққалик мусобақасида қатнашган Луиза Галиуллина 14,35 балл жамгариб, бронза медалига сазовор бўлди.

Сув полоси бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси ҳам илк маротаба совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртларимиз Ҳиндистон терма жамоасига қарши учрашувни 20:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, Осиё ўйинларининг бронза медалига эга бўлди.

«Гуанчжоу-2010» дастуридан жой олган слаломда эшак эшиш бўйича каноэчиларнинг жуфтлик беллашувида Алексей Зубарев ва Алексей Наумкин дуэти учинчи натижани қайд этиб, бронза медал соҳиби бўлди.



FUTBOL



**Ўртоқлик
учрашувлари
ўтказилди**

Чоршанба кuni дунё мамлакатларида футбол бўйича ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Муҳлислар қизиқарли баҳслар ва қутилмаган натижалар гувоҳи бўлишди.

Лотин Америкасининг икки етакчи жамоаси баҳсида аргентиналикларнинг қўли баланд келди. Месси ўз ниятига эришди. Учрашувнинг 90-дақиқасида ҳисобни очиб, руҳий жиҳатдан жуда муҳим бўлган галабани қўлга киритди.

Португалия бўлса, амалдаги Жаҳон чемпионларини «ер тишлатди». Испаниянинг жангвор таркиби Криштиану Роналду термаси қаршисига ожиз қолди.

Россия ўз уйида Бельгияга имконий бой бериб қўйди.

Ёшлардан иборат французлар Англияни сафарда доғда қолдиришди. Кўришиб турибдики, Лоран Блан тўғри йўлдан кетаяпти.

Демак, натижа билан танишамиз:

- Аргентина – Бразилия – 1:0
- Гол: 1:0 – Месси (90).
- Англия – Франция – 1:2
- Голлар: 0:1 – Бензема (16), 0:2 – Вальбуэна (55), 1:2 – Крауч (86).
- Португалия – Испания – 4:0
- Голлар: 1:0 – Мартинш (45), 2:0 – Поштира (49), 3:0 – Поштира (68), 4:0 – Угу Алмейда (90).
- Голландия – Туркия – 1:0
- Гол: 1:0 – Хунтелар (52).
- Россия – Бельгия – 0:2
- Голлар: Лукаку, 2 (0:1); Лукаку, 73 (0:2).
- Албания – Македония – 0:0
- Исроил – Исландия – 3:2
- Миер – Австралия – 3:0
- Люксембург – Жазоир – 0:0
- Швейцария – Украина – 2:2
- Дания – Чехия – 0:0
- ЖАР – АҚШ – 0:1
- Австрия – Греция – 1:2
- Швеция – Германия – 0:0
- Руминия – Италия – 1:1
- Польша – Кот-д’Ивуар – 3:1
- Хитой – Латвия – 1:0
- Черногория – Озарбайжон – 2:0
- Гонконг – Парагвай – 0:7
- Кувайт – Ироқ – 1:1
- Уммон – Беларуссия – 0:4
- Словакия – Босния ва Герцеговина – 2:3
- Эстония – Лихтенштейн – 1:1
- Сенегал – Габон – 2:1
- Венгрия – Литва – 2:0
- Болгария – Сербия – 0:1
- Шим. Ирландия – Марокаш – 1:1
- Ирландия – Норвегия – 1:2
- Словения – Грузия – 1:2
- Чили – Уругвай – 2:0
- Колумбия – Перу – 1:1
- Гайана – Гватемала – 0:3
- Эквадор – Венесуэла – 4:1
- Ямайка – Коста-Рика – 0:0
- Панама – Гондурас – 2:0
- Иордания – Кипр – 0:0
- Шотландия – Фарер ороллари – 3:0



Фукаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёлгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XI боб, 49-модда

Кўҳна шаҳар салобати

Гўзал юртимизда кўриб кўз кувонадиган, қадим тарихга эга шаҳарлар кўп. Улардан бири Хоразм вилоятида жойлашган, икки ярим минг йиллик тарихга эга, бино, мақбара ва хонақоҳларининг ноёблигидан очиқ осмон остидаги музей шаҳарга айлантирилган кўҳна Хивадир.

Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган мўъжизакор Хива бугун сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканга айланган. Улар қадимий ва бетакрор меъморчилик дурдоналарини қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилар эканлар, ўзбек халқининг заковату иқтидорига тасанно айтмоқдалар. Айниқса, “шаҳар ичидаги шаҳар” ҳисобланган Ичанқалъа барчанинг диққатини ўзига тортмоқда. Атрофи девор билан ўралган бу мажмуанинг ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон аҳамиятига молик маданий мерос сифатида тан олинishi бежиз эмас. Дунёнинг тўрт томонига қаратиб ўрнатилган маҳобатли дарвозалар салобати, ундаги бетакрор безаклар ҳайратланаридир.

Оқ шайх бобо тепа томонидан қаралса, Ичанқалъанинг гўзаллиги янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бунда биринчи навбатда нигоҳингиз виқор билан турган, аммо чўрт кесиб олингандек таассурот қолдирувчи Калта минорга тушади. Унинг ёнида эса ранг-баранг гиштлар билан безатилган энг қадимий мадрасалардан бири — Муҳаммад Амिनхон мадрасаси кўр тўкиб турибди.

Кўҳна арк Хиванинг энг гўзал

масканларидан бири. Бу ерда ўта нафис, ички ва ташқи безаклари билан алоҳида ажралиб турувчи Муҳаммад Раҳимхон саройи қад ростлаган. Сарой устунлари ва эшикларидagi ўзгача дид билан ишланган нақшлар ҳар қандай одамни лол қолдириши аниқ. Унинг шундоқ ёнида эса 1778-1782 йиллар давомида қурилган (бу сана эшик пештоқига муҳрланган), гўзалликда Муҳаммад Раҳимхон саройидан қолишмайдиган Жума масжиди жойлашган.

Хива шаҳрини томоша қилишга келганлар, албатта, халқнинг афсонавий қаҳрамони Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуасига ташриф буюрадилар. Мажмуадаги бетакрор безаклар, паҳлавон кийган кийимларнинг ҳамон асл ҳолича, эҳтиётлаб сақланаётгани ўзбек халқи ўз севган қаҳрамонларини унутмаслиги, вафотидан кейин ҳам хурмат-

эҳтиром кўрсатишидан далолатдир.

Полвон Дарвоза ёнида бошқа меъморчилик ансамбллари ҳам ўрин олган бўлиб, булар Хива хони Тошқули саройи ҳамда баландлиги 45 метр бўлган Ислоҳ Хўжа минорасидир. Бу қадим обидалар ҳам қайта таъмирланиб, ишлов берилганидан сўнг яна одамлар ҳайратига ҳайрат қўшипти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республика мустақиллигидан сўнг кўплаб қадимий бинолар давлат муҳофазасига олинди. Улуғ боболаримиз меҳнати, заковати билан бунёд этилган масжид ва мадрасалар, саройлар ва минораларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишларига кенг эътибор берилляпти. Икки ярим минг йиллик тарихга эга Хива шаҳри ҳам ана шундай эътибор туфайли ўз гўзаллиги ва тароватини сақлаб келмоқда.

Ўз мухбиримиз

BU - QIZIQ!

ГЎЗАЛ БЎЛИШИНГИЗ ШАРТМАС...

Буюк Британияда дунёда биринчи бор, юмшоқроқ қилиб айтганда, кўримсиз инсонлар учун танишув сайти пайдо бўлди. Энди ўзларини хунук деб ҳисоблайдиганлар бу сайт орқали ўз дўсти ёки жуфтини топишлари мумкин. Мазкур сайтда шахсий саҳифа очини мутлақо бепул бўлиб, анкетани тўлдириш ва фотосурат жойлаштириш талаб этилади, холос.

Бундай инсонлар учун танишув сайти ташкил этиш гоёси инглиз мултимиллионери Жеймс Ховард томонидан илгари сурилди.

— Бу жуда даҳшатли! — дейди тўлқинланиб Жеймс. — Буюк Британияда ҳам, Америкада ҳам жуда кўплаб ортиқча вазнга эга ва кўримсиз қиёфали одамлар яшайди. Ҳайронман, шу пайтгача улар учун махсус сайт яратиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Бу инсонлар кўримсизликларидан руҳан азият чекадилар, аксарият ҳолларда жамоатчиликдан ажраб қоладилар. Ахир, уларнинг ҳам севиши ва севилишга, ҳаётда бахтиёр яшашга ҳақлари бор. Мен уларга шу имкониятни тортиқ қилишни истайман.

Сайт ишга тушгандан сўнг бир неча кунда Англияда жуда оммалашиб кетди. Унга 1500 атрофида одам ўз анкеталарини жойлаштириб улгурди. Фақат сайтдан рўйхатдан ўтиш барчага ҳам осон бўлмади. Чунки сайтнинг қатъий модераторлари ва маъмурияти рўйхатдан ўтишда барча параметрлар — ҳақиқатан ҳам хунуқлиги бўйича сўровнома тўлдиришларини талаб этди:

— Сайтимиз одамларнинг бошқалар олдида масхара бўлиб қолмаслиги учун барча анкеталарнинг ҳақиқийлигини текширади, — дейди Ховард. — Истагимиз, жозибасиз инсонларга ўз тенгларини топишга реал имконият яратиш, токи улар бошқа сайтларга пуллари-ни ва вақтларини сарфлаб юрмасинлар.

У.ИҲУДДОШЕВ тайёрлади

BIIB QO'YGAN YAXSHI!

ХАВФЛИ ЕГУЛИКЛАР

* Уйғониш даврида Европада сувдан кўра пиво ичиш хавфсизроқ бўлган, чунки у дизентерия ва вабони келтириб чиқарувчи бактерияларни ўлдирган.

* Одам гиёҳванд моддалардан кўра чойга тезроқ ўрганиб қолади.

* Пишмаган помидорлар соланин захарли моддаларига бой бўлади. Улар узоқ вақт давомида ёруғ жойда сақланган пишган помидорларда ҳам вуждга келади. Одам 2 килограмм хом помидор еб захарланиши мумкин. Агар бу сабзавот бутунги кунда кашф қилинганда эди, Европада истеъмол қилиш тақиқланган маҳсулотлар сирасига киритилган бўларди.



Мен дарвозага турдим

Бегали мактабдан келди. Телпаги лой бўлиб кетган.

Ойиси бақира кетди:

- *Телпагинг нега бунча лой? Нима бўлди?*
- *Болалар телпагини бошимдан юлиб олиб, футбол ўйнашди.*
- *Сен-чи, сен ҳеч нарса қилмадингми?*
- *Мен дарвозада турдим.*

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АГАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1002 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10166 нусха.

Визият мухбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Ургачда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	-------------------	---------------------	-------------------